

**Комилова Дилнозахон Абдулхаевна,**  
Андижон давлат университети Мактабгача  
таълим факультети мустақил тадқиқотчиси

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОИД НАЗАРИЯЛАР

УДК: 373

## **КОМИЛОВА Д.А. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОИД НАЗАРИЯЛАР**

Мақолада мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантириш муаммоси ёритилган. Коммуникативлик, компетенция ва компетентлик тушунчалари таҳлил этилган. Шунингдек, болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хусусида сўз юритилади.

Таянч сўз ва тушунчалар: коммуникативлик, мулоқот, компетенция, компетентлик, коммуникация, мотивация, лингвистик, интросубъектив, экстрасубъектив, ижтимоий-лингвистик, прагматик, лексика, фонетика, грамматика, манипуляция, интенсив.

## **КОМИЛОВА Д.А. ТЕОРИИ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА**

В статье освещается проблема формирования коммуникативной компетенции у детей старшего дошкольного возраста. Анализируются понятия коммуникативности, компетенции и компетентности. Обсуждаются теоретические и практические аспекты формирования коммуникативной компетенции у детей.

Ключевые слова и понятия: коммуникативный, компетентность, компетенция, общение, мотивация, лингвистический, интросубъективный, экстрасубъективный, социолингвистический, прагматический, лексика, фонетика, грамматика, манипуляция, интенсив.

## **KOMILOVA D.A. THEORY OF FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN PRESCHOOL CHILDREN**

In the article is highlighted the problem of the formation of communicative competence among children of senior preschool age. The concepts of communication, competence and competencies are analyzed. The theoretical and practical aspects of the formation of communicative competence in children are discussed.

Key words and concepts: communicative, competence, competence, communication, motivation, linguistic, inter-subjective, extro-subjective, sociolinguistic, pragmatic, vocabulary, phonetics, grammar, manipulation, intensive.

**Кириш.** Бугунги кунда мактабгача таълим соҳасида жуда катта ислохотлар амалга оширилмоқда бироқ, ўқув-тарбиявий жараёнда турлича ёндашувлар олиб борилса-да, болаларнинг мактаб таълимига мослашиши, тенгдошлари ва атрофдагилар билан самарали мулоқотга киришиши қийин кечмоқда. Мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникациянинг шаклланиш даражаси илк гўдаклик даври билан боғлиқдир.

Бу даврда бола инсонлар дунёсига кириб боради, сўзлашиш белгиларни ўзлаштиради. Одамлар ўртасидаги мулоқот меъёрлари ва хулқ-атвор қоидалари, инсоннинг нутқий фаолиятининг оддий кўринишлари билан танишади. Мактабгача ёшдаги бола илк ривожланиш даврида ижтимоий муносабатлар дунёсига кириб боради. Оила аъзолари ва педагог-тарбиячилар билан мулоқотда бўлиши орқали аста-секин хулқ-атвор меъёрларини ўрганади. Лекин бу даврда у ўз ҳаракатларини англай олмайди. Нутқ ва мулоқот таъсирида боланинг ички дунёси шакллана бошлайди. Боланинг катталар билан муносабат шакли ўзгаради, атрофидаги воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиради. Натижада болалар коммуникатив фаолиятни ўзлаштира бошлайдилар. Мактабгача катта ёшдаги болалар катталар билан мулоқотга киришади, ўз атрофидаги жараёнлар билан боғлиқ равишда сўз захираси кенгайиб боради. Бола ўзи шахс сифатида мулоқотни ўрганади. Бу давр коммуникатив компетенцияни шакллантириш жуда ҳам муҳимдир. Чунки болаларда “Мен” концепцияси шаклланиб бўлади, яъни индивидуаллик юзага келади, ўз-ўзини кўрсатиш устуворлик қилади ўз фикрини эркин ифодалайди. Индивидуаллашишда болаларнинг мулоқот қилиш эҳтиёжларига боғлиқ ўзгаришлар кузатилади. Бунда болалар аста-секин оммавий муносабатларга кириша бошлайди. Мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантириш орқали уларни мактаб таълимига интенсив тайёрлаш масаласи долзарб саналмоқда.

**Тадқиқотимизнинг мақсади** мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг амалдаги тамойил, метод, шакл, воситалари, механизмлари ва методикасини такомиллаштиришдан иборат. Мактабгача таълимга оид замонавий технологияларни

ўрганиш ва мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

**Мавзуга оид изланишларнинг қисқача таҳлили.**

Ҳозирги кунда мактабгача таълим жараёнида болаларда коммуникатив компетенция етарли даражада шаклланмаяпти. Натижада мактаб таълимига қадам қўйган болаларнинг аксарияти турли ҳаётий вазиятларда муаммога учрамоқдалар. Болалар мактабгача таълимда олган билим ва кўникмаларини мустақил фикрлаш орқали намоён этишлари лозим, бироқ уларда сўз бойлигини етарли эмаслиги сабабли мулоқотга қийинчилик билан киришадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг нутқини ривожлантириш, луғат захирасини бойитиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларида бола компетенцияси тушунчасига маълум бир ёш даврига хос бўлган вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг билими, кўникмаси, малакалари ҳамда қадриятлари деб таъриф берилади<sup>1</sup>. Мактабгача таълим-тарбия жараёнида мазкур компетенцияни бажариш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасасининг “Илк қадам” Давлат ўқув дастурида мактабгача ёшдаги болалар ривожланишининг соҳа компетенциялари таркибида коммуникатив компетенция алоҳида мезон сифатида белгилаб берилган бўлиб, мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси деб изоҳланган<sup>2</sup>. Шу билан боғлиқ ҳолда бажарилиши режалаштирилаётган тадқиқот давлатнинг ижтимоий буюртмаси талабларини бажаришга оид вазифаларни кўзда тутди. Мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришда мактабгача таълим талабларидан бири сифатида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. - Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. - Т.: 2018. 7 б. - <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3771/file/%D1%83%D1%87%D0%B5%D0%B1%D0%BD%D0%B0%D1%8F%20%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%B3%D1%80%D0%B0%D0%BC%D0%BC%D0%B0%20%D0%A3%D0%97%D0%91.pdf>

замонавий таълим тенденцияларига таянилади. Биз тадқиқот ишимизни янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил этиш мақсадида илмий-назарий манбаларни ўргандик.

Шахс камолотида инсонлар билан ўзаро мулоқот ва суҳбатлашиш муҳим эканлигини шарқ алломалари ҳам педагогик қарашларида асослаб берганлар. Дунёда иккинчи муаллим деб тан олинган Абу Наср Форобий "Бахт-саодатга эришув тўғрисида" асарида "инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади"-деган ғояни илгари суради<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, бола шахсини ривожланишида уни ўзгалар билан самарали мулоқоти, дунёқараши ва коммуникативлиги муҳим ўрин эгаллайди.

Ибн Сино бола тарбиясида у билан якка ҳолда суҳбатда бўлиш усулини тавсия қилади. Суҳбат чоғида халқнинг ҳикматли сўз ва эртақларидан мисоллар айтиб, мазмунини, ахлоқ-одоблилик маъносини тушунтирмоқ энг маъқул усулдир. Бола айтилган гапларни эътибор билан тинглаб, суҳбатдан мамнунлиги сезилганда унинг фаолиятидаги яхши ишлар мақтовга сазовор эканлигини айтиш лозимлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Алломанинг болалар билан якка тартибда суҳбатлашиш ва халқ оғзаки ижодидан фойдаланишга доир фикрлари эътиборга лойиқдир. Чунки болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришда улар билан суҳбатлашиш, турли воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

А.Навоий фикрича "ҳар бир инсон шахси одамлар билан мулоқотда, уларнинг руҳий-маънавий таъсирида шаклланади"<sup>3</sup>. Мактабгача ёшдаги болалар билан индивидуал шаклда мулоқот ўрнатиш самара беради. Чунки, уларнинг эҳтиёжлари ва руҳий ҳолати турлича бўлади. Педагог-тарбиячилар болалар билан суҳбатлашиш орқали уларда мулоқотчанлик кўникмалари аста-секин коммуникатив компетенцияни шакллантиришлари лозим.

Ғарб олимлари ҳам коммуникатив компетенция тушунчаси борасида ўз қарашларини тавсия этганлар. Америкалик антропологист олим D. Нумес илк бор мазкур тушунчани аниқлаган, унинг фикрича "коммуникатив компетенция лотинча сўз бўлиб, мос келиш, ўхшаш, эришаман маъноларини англатади, коммуникация жараёнида грамматика қоидаларига амал қилиш ва тилдан фойдалана олиш қобилиятидир"<sup>4</sup>.

Н.Хомский эса "тил компетенцияси", инсонни ички ментал грамматикаси деб номлаган, бунда тил қоидалари абстракт кўринишда бўлиб, она тилида фаолият юритиш, индивидни онг остида интуиция шаклида тасаввур қилишдир" деб таъриф беради<sup>5</sup>.

Психолог олим Р.С.Немов компетентликка қуйидагича фикр билдиради: "компетентлик аниқ бир билимни эгаллаш, қандайдир бир соҳанинг имкониятларидан хабардор бўлиш"<sup>6</sup>. Олимнинг фикрига кўра мактабгача катта ёшдаги болаларда ҳам коммуникатив компетенцияни шакллантиришда уларга пухта билим бериш, бутун олам ва атроф-муҳитдаги нарсалар ҳақида тўлиқ маълумот бериш лозим. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари соҳалари (жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари; билиш жараёнининг ривожланиши; ижодий ривожланиш)нинг барча кўрсаткичлари 5-6 ёшдаги болаларда нутқ ва самарали мулоқотни эгаллашларида интеграцион ёндашув асосида амалга оширилса самара беради.

К.Ф.Седов томонидан коммуникатив компетенциянинг компонентлари аниқланган бўлиб, улар лингвистик; ижтимоий-лингвистик; прагматик турлардан иборат. Лингвистик компетенция тилни турлича жиҳатларига оид билим, кўникмалар бўлиб, лексика, фонетика, грамматика ва улардан тўғри фойдаланишдир. Ижтимоий-лингвистик компетенция тил шакллари танлаш қобилиятини амалга ошириш,

<sup>1</sup> Хошимов К, Нишонова С. Педагогика тарихи: Дарслик. - Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. - 82 б.

<sup>2</sup> Зунунов А ва бошқалар. Педагогика тарихи: Акад. лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. - Т.: "Шарқ", 2002. - 29 б.

<sup>3</sup> Зунунов А ва бошқалар. Педагогика тарихи: Акад. лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. - Т.: "Шарқ", 2002. - 51 б.

<sup>4</sup> Бочарникова М. А. // Молодой ученый. 2009. - № 8 (8). - С.130-132 с.

<sup>5</sup> Chomsky N. Aspects of the Theory of Syntax. - Boston: MIT Press, 1965.

<sup>6</sup> Немов Р.С. Практическая психология: Учеб.пособие. - М.: Гуманит. изд. центр "Владос", 1997. - 5 с.

улардан вазиятга мос равишда фойдаланишдир. Прагматик компетенция аниқ бир мулоқотдаги вазиятга кўра нутқ вазифалари ва коммуника- тив билим, кўникма ва малакаларни тушуниш ва ундан фойдаланишдир<sup>1</sup>.

Коммуникатив компетенция тушунчаси ўзига хос қоидага амал қилади, яъни мулоқот жараё- нида грамматика қоидаларига риоя қилиш ҳамда она тилидан ўринли фойдаланиш. Коммуника- тив компетенция миллатга хос ўзаро муносабат меъёрларини нутқий фаолият ва нутқий одоб асосида намоён этиш кўникмаси дейиш мумкин.

Коммуникатив компетенция инсоннинг бир ёки барча нутқий фаолиятда мулоқотга кири- шиш қобилияти бўлиб, шахснинг муҳим сифат- ларидан бири ҳисобланади. Мазкур тушунча- лар қуйидагича таснифланади. Компетенция бу - ўқитишнинг мазмунли таркиби бўлиб, машғулот жараёнида ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларнинг йиғиндисидир. Компетент- лик эса, шахснинг хусусияти бўлиб, шаклланиб бўлган компетенция асосида фаолиятни бажа- риш қобилиятидир<sup>2</sup>.

Коммуникативлик-шахслар орасидаги ўзаро ахборот алмашинув, алоқа, муносабат. Компе- тенция у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик<sup>3</sup>.

Коммуникатив кўникмалар сирасига маз- мунли нутқ сўзлаш, идрок қилиш, тушуниш, мушоҳада юритиш ва берилаётган маълумот- ларни ўзгартириш кабилар киради. Коммуни- катив кўникмалар амалга оширилишига кўра икки кўринишида бўлади, интросубъектив (ички) ёки экстрасубъектив (ташқи) коммуни- катив кўникмалари яъни маълумотларни ишлаб чиқарувчи. Коммуникатив кўникмаларни шак- ллантиришда нутқий фаолиятнинг ижодий тури намоён бўлади. Бундай вазиятларда боғланишли нутқ ҳам ривожланади. Коммуникация иштирок- чиларида коммуникатив кўникмалар бўлиши зарур, яъни оғзаки ва ёзма нутқни тушуниш ва тасаввур қилиш, қабул қилиш, шахсий мулоқот

вазифаларини амалга оширишда улардан фой- даланиш<sup>4</sup>.

А.В.Хуторский фикрича “компетенция шах- снинг ўзаро бир-бирига боғлиқ сифатлари (билими, кўникмаси, малака ва фаолияти)нинг мажмуасидир, воқеа ва жараёнларга муносабат билдиришдаги ижодий фаолият ҳамда шахсий қарашларидир”<sup>5</sup>. Мактабгача катта ёшдаги бола- лар ривожланиш марказларидаги ижодий фао- лият орқали ўзаро бир-бирлари билан мулоқотда бўладилар. Мулоқот натижасида воқеа ва жара- ёнга муносабатларини билдирадилар. Бу эса уларда коммуникатив компетенцияни шаклла- нишига замин яратади.

Компетенция бу-янги қиймат яратиш мақсадида билимлар манипуляцияси жараёнида дивидент олишга эришилганлик кўрсаткичидир. “Билимлар манипуляцияси” деганда сунъий равишда ташкил этилган таълим муҳитида таъ- лим олувчи ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни амалиётга қўллаш натижасида яши- рин имконият ва қобилиятларни намоён қилиш жараёни назарда тутилмоқда. Дивидент олиш эса таълимнинг натижадорлиги белгиси сифа- тида “наф кўриш, фойда олиш, ижобий натижа” кабиларни назарда тутати<sup>6</sup>.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, коммуникатив компетенцияга муаллиф- лик нуқтаи назаридан, бир инсонни бошқалар билан самарали ва натижавий мулоқот қилиш қобилияти дейиш мумкин.

**Мақоланинг илмий моҳияти.** Мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компе- тенциянинг шакллантиришнинг назарий ва ама- лий асосларини таҳлил қилиш. Боларда нутқ ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириш орқали коммуникатив компетенцияни шакллантириш методикасини такомиллаштириш, сўзлашув жараёнида ўз-ўзини таҳлил қилиш ва шахсий сифатларини намоён этиш малакаларини шак-

<sup>1</sup> Седов К.Ф. Дискурс и личность. - М.: “Лабиринт”, 2004. - 320 с.

<sup>2</sup> Щукин А.Н. Методика преподавания русского языка как иностранного: учеб.пособие для вузов. - М.: “Выс- шая школа”, 2003. -332 с.

<sup>3</sup> Джураев Р.Х.,Толипов Ў.Қ., Сафарова Р.Ф. ва бошқалар. Педагогик атамалар луғати. - Т.: Ўзбекистон Республи- каси Фанлар академияси. “Фан” нашриёти, 2008. - 62 б.

<sup>4</sup> Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностран- ным языкам. Лингводидактика и методика: учеб. посо- бие для студ. лингв. ун-тов и фак. ин. яз. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр “Академия”, 2006.- 161-189 с.

<sup>5</sup> Хуторский А.В. Ключевые компетенции и образо- вательные стандарты // Интернет-журнал. “Эйдос” - 2002. – 23 апреля.

<sup>6</sup> Холмухамедов М.М. Профессионал таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этиш масалалари. // “Педагогика” журнали. - Т.: 2020. 4-сон. Б. 6.

ллантиришга оид илмий қарашларни асослашдан иборат.

**Тадқиқотининг объекти:** мактабгача 5-6 ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантириш жараёни.

**Тадқиқотда қўлланиладиган усуллар:** мактабгача таълим жараёнида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг фаолияти кузатилди, суҳбат, расми дидактик топшириқлар ва анкета сўровномалари ўтказилди, тажриба-синов воситасида замонавий технологиялар самараси аниқланди, тадқиқот натижалари умумлаштирилди.

**Натижалар ва амалий мисоллар.** Олимларнинг илмий қарашлари таҳлили натижасида коммуникатив компетенция тушунчасини мулоқот қилиш мақсади, мулоқот муҳити ва вазиятига тайёрлик қобилияти, нутқий ўзаро таъсир ва тушуниш жараёни дейиш мумкин. Коммуникатив кўникмалар лингвистик, маданий, психологик ва ижтимоий билимлар мажмуасидан иборат. 5-6 ёшдаги болалар ўз хулқ-авторини назорат қила оладилар, ўйлаб гапирадилар, жаҳлини бирданига кўрсатмайди. Улар ўз ҳиссиётларини бошқара оладилар. 3-4 ёш даврида жаҳли чиқса ўйинчоқларини улоқтириб ёки ота-онасига харҳаша қилган бўлса, энди ўз фикр ва хаёлидаги ғояларни намоён этмаслиги, қайсарлик қилиши мумкин. Агарда 5-6 ёш бола ота-онасини кўриш лозим бўлган жойда кўра олмаса, харҳаша қилмайди, балки топа олмаганини айтади ёки ҳеч қандай муносабат билдирмай жим тураверади. Аксарият 6 ёшдаги болалар ўз ҳиссиётларини жиловлай олади ҳамда шахсий хулқ-авторини шакллантиради. Коммуникатив компетенция болаларнинг мулоқот жараёни билан боғлиқ талаблар тизими бўлиб, унда нутқ, саводхонлик, нотиклик услублари ҳамда суҳбатдоши билан индивидуал ёндашувни намоён қилади.

Мабодо гап алоҳида инсон қобилияти ҳақида кетса, демек унда коммуникатив компетенция намоён бўлган. Демак, коммуникатив компетенция ҳақидаги қарашлар асосида айтиш мумкинки, у талаблар тизими бўлиб, коммуникатив компетентлик эса мактабгача катта ёшдаги болаларнинг мана шу талаблар тизимига мос ҳолатда мулоқот ўрнатишидир. Шунинг учун баъзида икки маънони англатиши, яъни болаларнинг мулоқот қилишига қўйилган талаблар,

алоҳида талаблар кетма-кет бўлиб, уларни компетенция деб аташ мумкин. Агарда болалар мана шу талабларни бажара олсалар, уларни компетентли дейиш мумкин. Коммуникатив компетенция ва коммуникатив компетентлик ўртасида маъно жиҳатидан фарқ сезилмайди, коммуникатив талабларга мос келади. Индивидуал коммуникатив компетенция нафақат билимларнинг сифати ва ҳажми масалан, товушлар вазифаси, сўзларнинг аниқлиги уларни когнитив ташкил этиш, узоқ муддат эсда сақлаш ва фойдаланишидир.

**Хулоса ва таклифлар.** Мактабгача таълим ташкилоти педагог-тарбиячиларидан 5-6 ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришда қуйидаги педагогик шароит яратишлари талаб этилади:

- болаларга коммуникатив мулоқот учун қулай вазият яратиш;
- болалар ўртасидаги низоли вазиятларга ўзаро ҳамкорликда манфаатли ечим топишга ўргатиш;
- муаммоли вазиятдан фойдаланган ҳолда коммуникатив фаолиятга туртки бериш;
- педагог-психолог томонидан мулоқот қилишда қийналадиган болалар учун коррекцион-ривожлантирувчи психологик машғулотлар ўтказиш;
- болаларга ўз ҳиссиётларини ифодалашларида мотивация бериш;
- эртак қаҳрамонлари образларини сўз ва мимика ёрдамида ифодалашга ёрдам бериш ва шароит яратиш;
- мактабгача катта ёшдаги болаларга хос тенгдошлари ва катталар билан мулоқот юртишга оид ўйинлар ташкил этиш.

Агарда мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив кўникмалар етарли даражада шаклланмаса, эркин мулоқот юртишга тўсқинлик қилади. Яъни эркин мулоқот қилаолиши, бола шахсини ривожланиши ва хулқ-автори шаклланиши, уларнинг нутқий фикрлаши ва билиш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Эркин мулоқот ва коммуникацияда болалар мулоқоти чекланмайди, барчаси суҳбат ва маълумотлар алмашиш жараёнида юз беради. Бундай мулоқотда мактабгача ёшда ўйин фаолияти ва суҳбатлар самарали бўлиб, янги маълумотлар ўзлаштиришга қулай имконият яратилади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарори. - <http://lex.uz/docs/4327235>
2. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. - Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. - Т.: 2018. 59 б. - <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3771/file/%D1%83%D1%87%D0%B5%D0%B1%D0%BD%D0%B0%D1%8F%20%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%B3%D1%80%D0%B0%D0%BC%D0%BC%D0%B0%20%D0%A3%D0%97%D0%91.pdf>
4. Бочарникова М. А. // Молодой ученый. 2009. - № 8 (8). - С.130-132 с.
5. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика: учеб. пособие для студ. лингв. ун-тов и фак. ин. яз. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр “Академия”, 2006.- 336 с.
6. Джурраев Р.Х., Толипов Ў.Қ., Сафарова Р.Ф. ва бошқалар. Педагогик атамалар луғати. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “Фан” нашриёти, 2008. - 196 б.
7. Зунунов А ва бошқалар. Педагогика тарихи: Акад.лицей ва касб-ҳунар коллежалари учун дарслик. - Т.: “Шарқ”, 2002. – 192 б.
8. Немов Р.С. Практическая психология: Учеб.пособие. - М.: Гуманит. изд. центр “Владос”, 1997. – 320 с.
9. Седов К.Ф. Дискурс и личность. - М.: “Лабиринт”, 2004. - 320 с.
10. Chomsky N. Aspects of the Theory of Syntax. - Boston: MIT Press, 1965.
11. Хошимов Қ, Нишонова С. Педагогика тарихи: Дарслик. - Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. -304 б.
12. Хуторский А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты // Интернет-журнал. “Эйдос” - 2002. – 23 апреля.
13. Холмухамедов М.М. Профессионал таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этиш масалалари. // “Педагогика” журналы. - Т.: 2020. 4-сон. Б. 3-7.
14. Щукин А.Н. Методика преподавания русского языка как иностранного: учеб. пособие для вузов. - М.: “Высшая школа”, 2003. -332 с.